



ЖИНОЯТ ТАРКИБИДА МОТИВ ВА МАҚСАД ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Очилов Хасан Рашидович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги

Судьялар Олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6585101>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14-may 2022

Chop etildi: 24-may 2022

KALIT SO'ZLAR

Жиноят таркиби,
субъектив томон, айб,
мотив, тўғри қасд,
ғаразғўйлик ва наст
ниятлар.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жиноятларнинг субъектив томонини белгилашда мотив ва мақсаднинг ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан мотив ва мақсаднинг тушунчаси ва белгилари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Жумладан, наст мотив тушунчаси акс этирилган жиноятларни содир этишда айбдорнинг жиноий нияти, мотивациясини белгилаш муаммолари атрофлича кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан мотив ва мақсаднинг ўзаро яқин ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, илмий-назарий хулосаларга келинган.

Жиноятнинг субъектив томонининг факультатив белгилари муаммоси жиноят ҳуқуқидаги энг муҳим масалалардан биридир. Тадқиқотчилар наздида жиноят таркибининг субъектив томони – бу қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини, мабодо жиноий бўлса, унинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилганлигини белгилайдиган асосий мезондир. Шу билан бирга, қилмишда объектив ҳақиқатни аниқлаш, жазо тайинлаш, жиноятларнинг олдини олиш – буларнинг барчаси инсон хатти-ҳаракатларининг мотив ва мақсадлари билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, содир этилган жиноятларнинг субъектив томонини тавсифловчи факультатив элементлар орасида содир

этилган жиноятнинг мотиви ва мақсади асосий ўрин тутди.

"Мотив" атамаси лотинча "moveo" - ҳаракат қилиш сўзидан келиб чиққан бўлиб, шахснинг ҳаракатларининг туртки берувчи сабабини англатади. Хулқ-атвор мотиви соф психологик категориядир, лекин у фанлараро характерга эга бўлиб, шахсиятни ўрганадиган барча фанларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Бунинг сабаби шундаки, мотивларда шахс энг тўлиқ ва тизимли равишда намоён бўлади, улар бу ҳақда ўзи билмаган маълумотларни тақдим этадилар.

Жиноят мотивлари шахснинг жиноят содир этишга қарор қилишига сабаб бўладиган ва уни содир этишда унга амал қилган муайян эҳтиёж ва



манфаатлардан келиб чиққан ички туртки дейилади.

Жиноят ҳуқуқидаги мотивнинг кенг қамровли тадқиқотларидан бири А.В. Савченконинг “Жиноят мотиви ва мотивацияси”дир, унда олим турли илмий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида мотивни “шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этишга ундайдиган яхлит руҳий шаклланиш” деб тушуниш керак деган хулосага келади”.

Мотив нафақат рағбатлантириш, балки ҳис-туйғуларни шакллантириш функцияси билан ҳам тавсифланади. Мотивнинг вазифаси унинг ижтимоий хусусиятларини аниқлаш, бир мотивни бошқасидан фарқлаш учун асосга эга бўлиш, ҳатто бир мотив доирасида унинг соялари, ўзига хосликлари ва кичик турларини аниқлаш имконини беради.

Мотивларнинг ижтимоий-ҳуқуқий йўналишини ҳисобга олган ҳолда уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- паст мотивлар (безорилик, шахсий манфаат, ўч олиш ва кўролмаслик). Кўп ҳолларда улар оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлиб хизмат қилади;
- паст характерга эга бўлмаган мотивлар (жабрланувчининг нотўғри ҳаракатларидан келиб чиққан ҳасад, хафагарчилик, эмоционал стресс);
- сиёсий мотивлар (сиёсий душманлик, адоват; нафрат ва бошқалар);
- ижобий мотивлар: альтруизм, меҳрибонлик. Улар жиноий жавобгарликни истисно қилмайди, балки жазони енгиллаштиради. Эвтаназия ҳолатида ўзига хос ижобий мотивга мисол келтириш мумкин: беморнинг оғриғи ва изтиробини енгиллаштирмоқчи бўлган ҳамшира унга организмга ўлик таъсир

кўрсатадиган моддани укол қилади. Жиноят яхши ният билан бўлса ҳам, барибир жиноятлигича қолади.

Мотивлар барча жиноятларга хос. Баъзида адабиётда бошқа фикрлар билдирилган бўлса-да, асоссиз (мотивсиз) жиноятлар мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятларда ҳеч қандай мотив йўқ; бошқаларнинг фикрича, биз фақат эҳтиётсиз жиноятларга олиб келган ҳаракатларнинг сабаблари ҳақида гапиришимиз мумкин.

Жиноий жавобгарлик учун мотив муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, мотив жиноятнинг асосий (конструктив) белгиси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Ушбу белгининг йўқлиги, тегишли қилмишларда жиноят таркибининг йўқлигини англатади.

Иккинчидан, мотив белги сифатида ҳаракат қилиши мумкин, унинг мавжудлиги квалификацияли жиноят таркибини (оғирлаштирилган жиноят таркибини) ташкил қилади.

Учинчидан, жиноят мотиви жазо тайинлашда жавобгарликни енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолат деб қаралиши мумкин. Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг мақсади, унинг мотиви билан бир қаторда, анъанавий равишда жиноятнинг субъектив томонининг факультатив белгиларига тегишли. Жиноятнинг мақсади инсон руҳиятининг интеллектуал “маҳсули”дир. Баъзи олимлар мақсадни психиканинг ихтиёрий жиҳати билан боғлашади. Мақсад ва мақсадни қўйиш жараёни туфайли шахс томонидан содир этилган қилмишнинг табиати ва



ижтимоий моҳиятини акс эттирувчи интеллектуал элемент пайдо бўлади.

Жазонинг тури ва миқдорини белгилашда бошқа ҳолатлар қатори қилмишнинг ижтимоий хавфлилик чорасини ва жиноятчининг шахсини белгиловчи мақсадни ҳам ҳисобга олиш керак. Жиноят содир этишда жиноий хусусиятга эга бўлмаган мақсадларга эришишга интилиш ҳам мумкин. Бу ерда жиноятнинг мақсадлари эмас, балки уларга эришиш учун шахс танлаган йўллар ижтимоий хавфли бўлган жиноятлар ҳақида гапирамиз. Демак, ўз мазмунига кўра, мақсадлар ҳам ижтимоий хавфли, ҳам ижтимоий хавфли эмас бўлиши мумкин. Агар биринчи ҳолда, уларга эришиш ёки амалга ошириш учун шахс томонидан ижтимоий хавфли йўл билан атайлаб танланиб, салбий баҳога лойиқ бўлса, иккинчи ҳолда – улар давлат таъқибига лойиқ эмас. Бу, мақсад жиноят субъектив томони белгиси бўлган ҳолда, айб тушунчаси билан қамраб олинмаслиги билан изоҳланади.

Жиноятлар таркибида мақсадни кўрсатишнинг ролига қараб, тегишли элементларнинг зарурий (конструктив) белгиси бўлган мақсадлар, жиноят таркибида квалификацияловчи белгилар сифатидаги мақсадларни фарқлаш керак. Қонун чиқарувчи томонидан жиноятнинг конструктив, квалификация қилувчи белгилари ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сонига тааллуқли бўлмаган мақсадларни белгилашда, суд уларни жазо тайинлашда ҳисобга олишга ҳақли. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсда бирорта мақсадини белгилаш унинг айби шаклига ҳам таъсир қилади. Мақсад қасднинг иродавий жиҳати

билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у бевосита шу ирода туфайли юзага келадиган натижани ифодалайди. Демак, мақсад жиноят белгиларидан бири бўлса, тегишли жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг мақсади кўп функцияли тоифа бўлиб, бир нечта муҳим ролларни бажаради:

Улардан биринчисини таркибни шакллантирувчи сифатида тавсифлаш мумкин. Бу дегани, айнан айбдорда муайян мақсаднинг мавжудлиги қилмишга жиноий қилмиш характерини беради ва жиноятни бошқа, бундай бўлмаган қилмишлардан ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Мақсаднинг иккинчи функцияси - фарқловчидир, яъни мақсад ташқи кўринишдаги бир хил қилмишларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш имконини беради. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ушбу ролни ўйнаган ҳолда, мақсад баъзи ҳолларда қилмишнинг (жиноят объектининг) ижтимоий хавфлилик хусусиятини ўзгаришига олиб келади, бошқаларида эса фақат унинг даражаси ўзгаришига етаклайди. Учинчи функция - квалификацияловчи. Бундай ҳолда, мақсад оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб, унинг мавжудлиги "асосий" таркибда назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада оширади.

Ва ниҳоят, тўртинчи функцияни индивидуаллаштирувчи деб белгилаш мумкин. Бу ерда мақсад, қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмасдан, суд томонидан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирадиган ёки енгиллаштирадиган ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.



Мотив – инсон ҳаракатларининг ички табиатини, моҳиятини очиб берувчи психологик тушунчадир. Умумий психологияда мотив шахснинг эҳтиёжлари – бирламчи (табiiй) ва иккиламчи (моддий ва маънавий), уларни қондириш билан боғлиқ. Мотив ижтимоий хавфли қилмишнинг асл мазмунини очиб беради. У бир вақтнинг ўзида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва жиноятчининг энг муҳим шахсий хусусиятларини тавсифлайди. Конкрет мотивни билиш баъзан жиноятга жиноий-ҳуқуқий баҳнио беришда кескин ўзгариш келтириб чиқаради.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади ўртасида чамбарчас ва узвий боғлиқлик мавжуд. Жиноятнинг мақсади остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш орқали айбдор нимага эришмоқчи эканлигини ҳисоблаш керак. «Жиноятнинг мақсади, худди мотиви каби жиноят содир этиш асносида шахс онгида содир бўладиган субъектив жараёнларни тавсифлайди. Демак, мақсад жиноятчининг ижтимоий хавфлилик даражасини кўрсатади, бу жазо тури ва миқдорини белгилашда албатта ҳисобга олиниши керак.

Мотив ва мақсад – бу ҳар қандай онгли иродавий ҳаракатнинг зарурий атрибутларидир. Бундан келиб чиқиб, мотив ва мақсад ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларга хос бўлиб, жиноят субъектив томонининг ажралмас белгилари сифатида намоён бўлади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, "эгри қасд ва эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар мотиви ва мақсади ўзига хослиги шундаки, улар фақат ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атворга тегишли, келиб

чиққан жиноий натижага мос келмайди..." .

Жиноят мотиви тушунчаси оддий, қонунга итоаткор ҳуқ-атвор мотиви тушунчасидан ҳосил бўлади. Анъанага кўра, жиноят ҳуқуқида мотив маълум бир ҳаракатга онгли туртки сифатида тушунилади. Бундай таъриф мотивнинг психологик таърифига қаратилиб, жуда умумий берилган. С.А.Тарарухин жиноят ҳуқуқида нисбатан мотивнинг қуйидаги таърифини таклиф қилади – бу "ижтимоий хавфли бўлган ва жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган аниқ мақсадли ҳаракатни (иродавий ҳаракатни) содир этишга онгли туртки (истак)" дейди. В.Н. Кудрявцев мотив "фақат шахс томонидан қарор қабул қилиш учун асос, қилмишининг онгли (ёки онгсиз) сабаби", деб ҳисоблайди. Б.С.Волков таъкидлайдики, "мотив хатти-ҳаракатни ўз-ўзидан эмас, балки фақат мақсад билан, яъни шахс қилмишни содир этиш орқали эришмоқчи бўлган у ёки бу ижтимоий хавфли натижа билан боғлиқ ҳолда белгилайди.

Жиноят ҳуқуқида мотив ва мақсад тушунчалари бир хил эмас. Жиноятнинг қайси белгилари мотив ва мақсадни тавсифлашини ва улар жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига ва уни содир этган шахсга қандай таъсир қилишини аниқ англаб етиш керак. Жиноят ҳуқуқида мотив ва мақсаднинг қилмиш ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига таъсири тўғрисида яқдил фикр мавжуд эмас. Масалан, Т.В. Церетелининг фикрича, объектив жиҳатдан бир хил ҳаракатлар амалга оширилган мақсадга қараб, объектив хавфли ёки объектив фойдали деб ҳисобланиши мумкин. В.Н.



Кудрявцевнинг фикрича, мақсад содир этилган қилмиш хавфини ошириши ёки камайтириши мумкин эмас, чунки хавф тушунчаси қилмишнинг объектив хусусиятини акс эттиради. Б.С. Волков қилмишнинг оғирлигини аниқлашда мотивнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эғалигига ишора қилади. П.С. Дагелнинг фикрича, юқоридаги қарашлар ўта қатъий ва догматик. У мазкур қарашларни тўлдиради ва аниқлаштиради: мотив ва мақсад шахснинг ижтимоий қарашларини (ижобий ёки салбий) белгилаши сабабли, улар объектив ҳолатлар билан биргаликда ижтимоий хавфлилик характери ва даражасига, демак жиноий жавобгарликка таъсир қилиши мумкин. Шунини таъкидлашни зарур деб ҳисоблаймизки, мотивни психологик тушунишдан фарқли ўлароқ, муайян ҳаракатга туртки шахс томонидан онгли англаб етилмаслиги мумкин деб тахмин қилинганда, ушбу тушунчанинг жиноят-ҳуқуқий тушуниш айнан шахс томонидан эҳтиёжни англаб етишини, охир-оқибат ўзининг ижтимоий қарашини белгилашини акс эттиради. Бинобарин, жиноят мотиви бевосита ахлоқий қарашлар ва ғоялар билан боғлиқ. Шунинг учун жиноят ҳуқуқи назариясида мотивларнинг уч гуруҳи ажратилади: ғайриижтимоий мотивлар (паст мотивлар), ижтимоий нейтрал ва ижтимоий фойдали. Ушбу таснифга асосланиб, қонун чиқарувчи оддий, имтиёзли ва квалификацияловчи жиноят таркибларни тузади.

Айтиш лозимки, мотив дефиницияси жиноят қонунида берилмаган. Ваҳоланки, алоҳида жиноят таркибларини тузишда қонун чиқарувчи томонидан турли

тушунчаларни мотивга ишора сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, мотивацияни белгиловчи барча тушунчалар тўғридан-тўғри ва амалиётчилар учун мотивни англаб етиш, идрок этиш, талқин этишда муаммо туғдирмайди (тамагирлик, ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват, диний таассублар ва ҳ.к.). Айни чоғда жиноят мотивини тушуниш, конкрет жиноят таркиби мотиви ўрнида қўлланидиган тушунчаларга қонун чиқарувчи қандай мазмун сингдирганига боғлиқдир.

Тадқиқотчи У.Закирова барча мотив ва мақсадларни жамлаган ҳолда уларни: 1) ғаразли; 2) ғаразли бўлмаган икки гуруҳга ажратади. Бироқ, назаримизда, мотив ва мақсадларни бу каби фақат икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Боиси У.Закирова ғаразли мотив ва мақсадларга қонун чиқарувчи томонидан аниқ-равшан кўрсатилган мотив ва мақсадларни киритади (тамагирлик йўли билан; ғаразгўйлик ниятларида; ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб; безорилик мотиви; миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирида; ўч олиш мотиви мол-мулкни талон-торож қилиш). Ваҳоланки, паст ниятлар қонун чиқарувчи томонидан ҳеч қандай шаклда аниқ кўрсатилмайди.

О.С.Ивченко томонидан илгари сурилган ўзига хос мотивлар таснифи анча диққатга сазовор бўлиб, у жиноятнинг мотивини учта гуруҳга: 1) жиноят қонундаги маълум бир қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланишига оид мотивлар (масалан, ўғирлик); 2) жиноят қонунчилигида жавобгарликни оғирлаштирувчи мотивлар (тамагирлик, безорилик, ўч олиш, миллий, ирқий,



диний адоват ёки душманлик мотиви, бошқа жиноятни яшириш ёки уни содир этишни осонлаштириш мақсади ва б.қ.); 3) жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи мотивлар (раҳм-шафқат мотиви, жабрланувчини азобдан қутқариш мақсади ва бошқалар). Сўнгги гуруҳдаги мотивга эвтаназия жиноятини киритиш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноят мотивларининг қўплаб таснифлари мавжуд бўлиб, уларнинг мезонлари турли асосларга таянган. Ижтимоий ҳавфлилик даражаси, ахлоқий баҳолаш, психологик жиҳатлар, жиноятнинг оғирлик даражаси, жазо ёки жазони оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Биз жиноятлар мотивларининг таснифи юзасидан чуқур мунозарага киришмоқчи эмасмиз, фақат, замонавий жиноят ҳуқуқи доктринасида мотивлар таснифига доир қарашларда паст мотивларга етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли амалиётда паст ният билан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда мураккабликлар юзага келаётганини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Хусусан, бугунги кунда “паст ниятлар” тушунчаси ЖКнинг айрим жиноят таркибларида мавжуд. “Паст ниятлар” атамаси жиноят қонунчилигида анча кенг қўлланилади, у масалан, ЖК 124, 125, 131, 133, 137, 139, 1412, 227, 2301-моддалар таркиби конструктив тузилишига субъектив томоннинг белгиси сифатида қўшилган. Қўп ҳолларда у ғаразли ниятлар билан бирга келади (бунда ғаразли ва бошқа паст ниятлар деб қайд этилади). Демак, ғаразли ният шакл-шубҳасиз, паст

ниятлардан бири ҳисобланади, лекин, қонун чиқарувчи наздида, бошқа паст ниятлар ҳам мавжуд. Бинобарин, паст бўлмаган мотивлар ҳам кўзда тутилган. Афсуски, мазкур илмий-назарий ва амалий муаммо, юридик адабиётларда деярли унга кам эътибор қаратилгани боис, янада чуқурлашади. Ҳанузгача жиноят ҳуқуқи доктринасида шахснинг паст ниятлари тўғрисида барқарор илмий қарашлар ишлаб чиқилмаган, қайси мезонларга кўра ва нима учун у ёки бу мотивни паст деб топиш кераклиги мавҳумлигича қолмоқда. Бугунги жиноят қонунчилигида ҳам мазкур тушунча мазмунини конкрет нормада очмасдан фойдаланилади, олимлар ва мутахассислар томонидан паст мотивлар рўйхати субъектив равишда тузилгандир. Жумладан юридик адабиётларда пастлик (шухратпарастлик, тубанлик, разиллик, қўрқоқлик, бурчни нотўғри тушуниш ва бошқ.) жуда кенг тушунилади. “Паст ниятлар — бу шундай мотивларки, улар одоб-ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузади (масалан, ўч олиш, миллий ва ирқий адоват)”. Худди шунга ўхшаш нуқтаи назарни А.И.Чучаев ҳам илгари суриб, бошқа паст ниятлар остида ўч олиш, рашк, соғлом болани касалга алмаштириб қўйиш ни кўрсатган. Бу ерда, сўз одоб-ахлоқ, ижтимоий қадриятларга зид бўлган мотивлар ҳақида боради. А.Н.Игнатов, конкрет мотивларни паст деб тан олиш масаласини суднинг ваколати деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, паст ниятлар сифатида тамагирлик, ўч олиш, рашк, ҳасад ва суд томонидан паст деб топилган бошқа мотивлар бўлиши мумкин. Бу фикрни қўллаб-қувватлаш қийин, боиси, жиноят таркиби



конструктив элементини талқин қилиш, шарҳлашни судьянинг субъектив ихтиёрига топшириш амалиётда ўзбошимчалик ва судга ишончсизликни келтириб чиқаради.

Е.Гиль паст ниятларга, жиноят қонунида жиноий жавобгарлик асоси бўлган, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи, конкрет жиноят таркибларини квалификация қилишда конструктив аломат сифатида тамагирлик, безорилик, ўч олиш, миллий, ирқий ёки диний адоват замиридаги мотивларни кўрсатади. Унинг фикрича жиноят қонунида жавобгарликни белгилаш, уни кучайтириш билан боғлиқ бўлмаган барча мотив ва мақсадлар, паст мазмунга эга бўлмаган мотивация ҳисобланади.

Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, чунки Е.Гиль асоссиз равишда барча жиноят-ҳуқуқий мотивларни паст мотив туркумига киритиб юбормоқда. Бу эса, назаримизда жиноят қонунини фалсафа, одоб-ахлоқ ва маданият каби конкрет бўлмаган, баҳоловчи ва мавҳум категориялардан фойдаланишга олиб келади.

Паст ният остида қонун чиқарувчи томонидан конкрет мақсад ва

мотивация кўрсатилмасдан, қонунни қўлловчининг субъектив ихтиёрига топшириб қўйиш, амалиётда анча муракаббликлар ва турлича амалиётнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Фикримизча, юридик матнгда қўлланиладиган ҳар бир атама бир маъноли, синонимия ҳодисасидан холи, расмий сўзлардан иборат бўлиши лозим. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни таклиф қиламиз: биринчидан, ЖК моддаларида “паст ниятлар” жумласини диспозициядан чиқариб, уни “бошқа шахсий манфаатдорлик” мотиви билан алмаштириш; иккинчидан, жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд фикрлардан фойдаланган ҳолда, паст мотивларни норматив тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида, ҳар бир паст мотив кўрсатилган жиноят таркибини танқидий қайта кўриб чиқиш, ва имкон қадар таркиб конструкциясида очиб бериш; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судларга паст ниятларда содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш бўйича махсус тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. - Тошкент: Насаф. 2002 - Б.95.
2. Мюзюкин А.П. К вопросу о понятии мотива преступления // Человек: преступление и наказание. – 2009 г. - №2 – С.62.
3. Савченко А.В. Мотив и мотивация преступления : монография – К. : Атика, 2002 г. – С.14
4. Харазишвили Б.В. Вопросы мотива поведения преступника в уголовном праве. М, 2013. С. 88.
5. Кочои С.М. Уголовное право. Общая и Особенная части. Краткий курс. Учебник / С.М. Кочои – М.: Юрайт, 2010. – С. 168 .
6. Уголовное право России: Курс лекций / Под ред. Ю.В. Щиголева – М.: Риор, 2014. – С. 56.



7. Семенов К.Р. Вопросы уголовного права на современном этапе. М., 2014. С. 250.
8. Тарарухин, С.А. Установление мотива и квалификация преступления /С.А. Тарарухин. – Киев: 1977 – Б.6.
9. Курс советского уголовного права (Часть Общая) / Отв. ред. Н.А.Беляев, М.Д.Шаргородский. Т.1. – М.: Изд-во Ленинградского университета, 1968 – Б.447.
10. Панов Н.И. Способ совершения преступления и уголовная ответственность / Н.И. Панов. – Харьков: «Вища школа», 1982 – Б.6.
11. Викторов, Б.А. Цель и мотив в тяжких преступлениях / Б.А. Викторов. – М.: Государственное издательство юридической литературы. 1963 – Б.15.
12. Дагель, П. Уголовно-правовое значение мотива и цели преступления / П. Дагель // Социалистическая законность. – 1969. – №5 – С. 41-45.
13. Волков Б.С. Мотивы преступлений (Уголовно-правовое и социально-психологическое исследование) / Б.С. Волков. – Казань: Издательство Казанского университета. 1982 – Б.9;
14. Панов Н.И. Способ совершения преступления и уголовная ответственность / Н.И. Панов. – Харьков: «Вища школа», 1982 – Б.5.
15. Кудрявцев, В.Н. Борьба мотивов в преступном поведении / В.Н. Кудрявцев. – М.: Норма, 2007 – Б.49.
16. Викторов Б.А. Цель и мотив в тяжких преступлениях / Б.А. Викторов. – М.: Государственное издательство юридической литературы. 1963 – Б.16.
17. Ибрагимов С.М. К вопросу о низменном мотиве преступления // <https://wiselawyer.ru/poleznoe/25821-voprosu-nizmennom-motive-prestupleniya>.
18. У.Закирова. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Yuridik fanlar axborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences 2 (2018) – Б.117-121.
19. Ивченко О.С. Проблемы мотива и цели убийства в уголовном праве России: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 14.
20. Смарж Д. И. К вопросу о классификации мотивов преступления // Новый юридический вестник. — 2020. — № 7 (21). — С. 60-62. — URL: <https://moluch.ru/th/9/archive/174/5410/> (дата обращения: 11.06.2021).
21. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Тошкент. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти, 2018. – С.243.
22. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. В.И. Радченко. М., 2000. С. 301.
23. Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. А.И. Чучаева. М., 2004. С. 348.
24. Гиль. Е. Классификация и значение мотивов и целей преступления // <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-znachenie-motivov-i-tseley-prestupleniya>.
25. Комментарий к Уголовному кодексу Российском Федерации / Под общ. ред. В.М. Лебедева. М., 2004. С. 355.